

ISSN 2010-720X

ILIM HÁM JÁMIYET



FAN VA JAMIYAT

2020 (№1)


ISSN 2010-720X

2004-jildin mart ayidan boshlab shiga basladi

**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASI JOQARI HÁM ORTA
ARNAWLÍ BILIMLENDIRIW MINISTRILIGI**



**ÁJINIYAZ ATINDAGÍ NÓKIS MÁMLEKETLIK
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTI**



ILIM hám JÁMIYET

Ilmiy-metodikaliq jurnal

Seriya: Pedagogika. Psixologiya

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

FAN va JAMIYAT

Ilmiy-uslubiy jurnal

Seriya: Pedagogika. Psixologiya

**Нукусский государственный педагогический
институт имени Ажинияза**

НАУКА и ОБЩЕСТВО

Научно-методический журнал

Серия: Педагогика. Психология

**Nukus State Pedagogical Institute
named after Ajiniyaz**

SCIENCE and SOCIETY

Scientific-methodical journal

Series: Pedagogy. Psixology

№1

2020

Shólkemlestiriwshi: Ájiniyaz atındaǵı Nókis
mámleketlik pedagogikalıq institutı hám jurnal redakciyası jámaáti
Shólkemlestiriw komiteti baslıǵı: OTEMURATOV B. – NMPI rektori
Bas redaktor:
ALLAMBERGENOV K. - filologiya ilimleriniń doktori, professor

REDKOLLEGIYA AǴZALARÍ

f.i.d., prof. **Abdinazimov Sh.** (Nókis)
t.i.d. **Abdullaeva Ya.** (Nókis)
b.i.d., prof. **Allamuratov B.** (Nókis)
p.i.d., prof. **Alewov U.** (Nókis)
f.i.d. **Ayymbetov M.** (Nókis)
akademik **Ayymbetov N.** (Nókis)
akademik **Bazarbaev J.** (Nókis)
f.-m.i.d. **Dawletmuratov B.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Raqimjan Turisbek** (Nur-Sultan)
p.i.d., prof. **Erkebaeva G.** (Turkistan)
f.i.d., prof. **Eskieva M.** (Nur-Sultan)
p.i.d., prof. **Xalilov F.** (Tashkent)
f.-m.i.d., prof. **Ismaylov Q.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Járimbetov Q.** (Nókis)
g.i.d., prof. **Jollibekov B.** (Nókis)
b.i.d., prof. **Jumanov M.** (Nókis)
a/x.i.d. **Jumamuratov A.** (Nókis)
f.-m.i.f.d. (PhD) **Kalxanov P.** (Nókis)
f.-m.i.d. **Kamalov A.** (Nókis)
tex.i.d. **Qayıpbergenov B.** (Nókis)
tex.i.d. **Qayıpbergenov A.** (Nókis)

t.i.d. **Qochanov B.** (Nókis)
f.i.k., prof. **Qochanov Q.** (Nókis)
f.-m.i.d., prof. **Qudaybergenov K.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Qulbek Érgobek** (Turkistan)
f.i.d., prof. **Quramboev K.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Mamedov A.** (Ashxabad)
f.i.d., prof. **Mamedov N.** (Baku)
t.i.d. **Mambetullaev M.** (Nókis)
b.i.d. **Mambetullaeva S.** (Nókis)
b.i.d., prof. **Matchanov A.** (Nókis)
f.-m.i.k., doc. **Otemuratov B.** (Nókis)
p.i.k., doc. **Pazilov A.** (Nókis)
tex.i.d. **Reymov A.** (Nókis)
p.i.d., prof. **Ruziev E.** (Urgench)
t.i.d. **Saribaev M.** (Nókis)
f.i.d., prof. **Suyunova N.** (Cherkas)
f.i.d., prof. **Sherbak S.** (S.Peterburg)
tex.i.d. **Tagaev M.** (Nókis)
g.i.d. **Turdimambetov I.** (Nókis)
f.-m.i.d., prof. **Utewliev N.** (Nókis)
p.i.d., doc. **Utebaev T.** (Nókis)
f.-m.i.d. **Yavidov B.** (Nókis)
p.i.d., prof. **Yuldashev Q.** (Gulistan)

Juwaplı redaktorlar:

f.i.k., docent. **E.Xojaniyazov** – ózbek tili boyınsha
docent **R.Rzaeva** – rus hám inglis tilleri boyınsha
PhD. **Q.Mambetov** – qaraqalpaq tili boyınsha

D.Dogarova - juwaplı xatker
Z.Xodjekeeva - korrektor
N.Allamuratova - operator

Jurnal 1992-jıldan «Qaraqalpaqstan muǵallimi» atamasında shıǵarıla baslaǵan. 2004-jilda «Ilim hám jámiyet» atamasına ózgertilip, 01-022-sanlı gúwalıq penen Qaraqalpaqstan Respublikası Baspasóz hám xabar agentligi tárepinen dizimge alınǵan.

2007-jılı 14-fevralda Qaraqalpaqstan Respublikası Baspasóz hám xabar agentligi tárepinen qayta dizimge alınıp, 01-043-sanlı gúwalıq berilgen.

«Ilim hám jámiyet» jurnalı Ózbekstan Respublikası Ministirler kabineti janındaǵı Joqarı Attestaciya Komissiyası kollegiyasınıń 2013-jil 30-dekabrdegi 201/3-sanlı qararı menen filologiya, pedagogika, psixologiya pánleri boyınsha ilim doktori dárejesin alıw ushın maqalalar járiyalanıwı tiyis bolǵan ilimiy basılımlar dizimine kirgizilgen edi.

2019-jil yanvar ayınan baslap JAK ekspert qararı tiykarında bul dizim tórende atı atalǵan pánler menen tolıqtırıldı:

- 01.00.00 – fizika-matematika ilimleri;
- 03.00.00. – biologiya ilimleri;
- 05.00.00. – texnika ilimleri;
- 07.00.00. – tariyx ilimleri;
- 11.00.00. – geografiya ilimleri.

tion. Invaluable experience has been accumulated in teaching young people in the fields of education, career guidance, intelligence, ethics, law, labor, economics, beauty, humanism, physical and patriotic education.

ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИДА САБР ВА ҚАНОАТ ТУШУНЧАЛАРИ ТАЛҚИНИ

Н. Сулаймонова - филология фанлари номзоди, доцент

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Таянч сўзлар: Маҳмуд Замахшарий, Атвоқу-з-заҳаб” (“Олтин шодалар”), панд-насихат, ҳикматли сўз, сабр, қаноат, тоқат, сабрли инсон.

Ключевые слова: Махмуд Замахшари, “Атваку-з-захаб” (“Золотые ожерелья”), нравственный взгляд, афоризм, терпение, терпеливость, выдержанность, терпеливый человек.

Key words: Mahmud Zamakhshariy, “Atwoqu-z-zahab” (“Golden Necklaces”), moral outlook, aphorism, patience, patience, endurance, patient person.

Барча замонларда сабр ва қаноат инсоний фазилатларнинг энг қадрлиси сифатида эъзозланиб келинган. Шунинг учун ҳам кўплаб алломалар инсонларда тарбияланадиган бу фазилат ҳақида классик мақомдаги асарлар яратганлар. Кайковус, Форобий, Саъдий, Авлонийлар томонидан яратилган асарлар шулар жумласидандир. Айниқса, тарихий ажодимиз, буюк олим Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўзининг маънавий-маърифий аҳамиятини йўқотган эмас. Зеро Замахшарийнинг таъбирича, **рутбаларнинг юксаги қаноатдир.**

Дарҳақиқат, “Сабрнинг таги сариқ олтин”, “Сабр қилсанг, гўрадан ҳалво битади” каби ўзбек халқ мақоллари асрлар давомида сабр ва қаноатнинг нафақат у ёки бу кишининг шахсиятида, бутун инсониятнинг тарихий қадрияти сифатида шаклланиб келинган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Замахшарий ўзининг дидактик аҳамият касб этувчи “Атвоқу-з-заҳаб” (“Олтин шодалар”) номли асарида **“Қаноат юксак чўққига кўтарилишининг сабаби”** [3: 104] эканлигини таъкидлайди.

Инсоннинг моддий ҳолати қандай бўлишидан қатъий назар Маҳмуд Замахшарийнинг айтишича, **“Қашиқнинг қаноати, гарчи унинг (қашиқнинг) юзлари тупроққа беланиб, йиртиқ-ямоқ кийимда бўлса ҳам, уни сенинг кўзингга шохона либосда кўрсатади. Бойнинг ўлғудай очкўзлиги эса, гарчи у олдинда зар кийимларда турган бўлса ҳам, уни сенинг кўзингга бечора, увадаси чиққан ҳолда кўрсатади”** [3:104]. Бу фикрлар билан Замахшарий, аввало, меҳнатни, меҳнат кишини кадрлаш ғоясини илгари сурган бўлса, иккинчи навбатда, бойлик орттиришга нисбатан нопок ҳаракатлар туфайли бой кишининг “зар кийимлар”и “увадаси чиққан”дек кўринишига ишора қилиб, одамларни сабр-қаноатли бўлишга чақиради.

Замахшарий томонидан тавсифланган сабр ва қаноат фазилатлари кейинчалик ҳам фозилу алломалар томонидан кўп бора тилга олинган. Жумладан, Махтумқули ҳам ўз шеърлятида шу масалага оид қарашларини баён этган. Унинг

Ўз ризқига ҳеч қаноат этмаган,

Термулар, киши ошига зор бўлар...

каби мисралари фикримизнинг далилидир.

Замахшарий ўзининг дидактик қарашларида инсон руҳиятида мавжуд бўлиб, унинг фаолиятини “бошқарадиган”, турли хатти-ҳаракатларга йўналтирувчи иллатлар айнан сабр қаноати заиф кимсалардагина содир бўлиши мумкинлигини уқтиради. Шундай иллатлардан бири энгил-елпи ҳаёт кечирувчиларга нисбатан унинг **“Уйин-қулғуни улфат тутадиган кимса ҳеч қачон машаққатларга сабр қилувчи кишидек бўлмас”** [3:91], – деган фикри ғоят ибратлидир.

Маҳмуд Замахшарий сабр-қаноат ҳақида фикр билдирад экан, бу фазилатнинг мазмуни ва моҳиятига, сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Зеро, фақат сабр ёки қаноат билангина инсон ҳаёти фаровон бўлиб қолмайди, сабрли киши фақат шу фазилати учунгина

комил бўлиб қолмайди. Маҳмуд Замахшарий ҳақли равишда **“Зийрак, мулоҳазали, сабрли киши дунё ва охирабда фойдаси бор ишда ҳеч тўхтамас”** лигини [3:91] уқтириб ўтади.

Ҳақиқатан ҳам сабрли киши атрофдаги воқеа ва ҳодисаларни диққат билан кузатиб, жараёнларга зийраклик билан баҳо бериб, мантиқий мулоҳаза юритибгина, нафақат ўз манфаати, аввало, ўз оиласи, қолаверса, жамият учун нафи тегиши мумкин бўлган хулосага келиши, қарор қабул қилиши мумкин.

Барча замонларда инсонлар бир-бирлари билан, кенг маънода миллатлар, мамлакатлар, диний эътиқодларга кўра бир-бирдан фарқланувчилар дўстона муносабатда бўлишларига қатъий эътибор қаратилган. Зеро, мамлакатлар, минтақалар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш тараққиётнинг муҳим шартларидан биридир. Шунинг учун ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол шахс сифатида шаклланиши учун бир қатор ижобий сифатлар қатори сабр ва қаноат ҳам унинг маънавиятининг муҳим компоненти саналади. Шу маънода ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим муассасаларида дўстона муҳитни яратишга йўналтирилган дастурлари диққатга сазовордир.

Бугунги глобаллашув ва интеграциялашув жараёнида сабр ва қаноатга асосланган дўстлик ва дўстона муносабат тараққиётнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Айрим ҳолларда дўстининг душмани билан мулоқотини кўрган кишилар душманлари сафига яна бир душманни, яъни ўша дўстини ҳам қўшилишига сабрсизлиги, вазиятни мулоҳаза билан баҳолашга қодир эмаслиги билан сабабчи бўладилар. Бу борада Маҳмуд Замахшарий шундай дейди: **“Душмани ҳам дўстининг ёнидан жой олган киши одамларнинг энг тоқатлисидир. Энг тоқатли инсон душманини сўкмайди, маломат қилмайди, балки унинг жазосини гуноҳига ҳавола қилиб қўяди, озорларини елкасида кўтаради. У шундай кишики, Оллоҳ унинг қалбини кек-гинадан сақлаган, балки солом аҳду паймонни унга жойлаган”** [3:38]. Айтилганлардан англаш мумкинки, маънавиятди кишилар сабр-тоқатли, кечиримли бўладилар. Ўзаро гина-қудуратларни авж олишига, уни ёру биродарлар, қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлар ўртасида газак олишига йўл қўймайдилар, сабр ва қаноат билан мурося чораларини излайдилар.

Дунёнинг айрим ҳудудларида содир бўлаётган баъзи нохуш воқеликлар, урушларнинг сабаби ҳам, аввало, инсонлар, миллатлар ва мамлакатларнинг ўзаро дўстона муҳит тенденцияларига амал қилмаслик, бошқаларда кузатилаётган, аслида ўткинчи ҳамда маълум вақт ўтгач ижобий ечим топадиган айрим жиҳатларга нисбатан сабр ва тоқатли бўла олмаслик оқибатида содир бўлмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат биз тилга олган концепция асосига қурилганлигини, бу борада тарихий тажриба ва қадриятларга, ажодларимиз томонидан баён этилган, жумладан, Маҳмуд Замахшарий илгари сурган ғоялар

асосида олиб борилаётганлигини эътироф этиш алломанинг нақадар донишманд бўлганлигидан далолат беради.

Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат борасидаги қарашлари, айниқса, аҳмоқ ва тоқатсиз кишиларга ибратлидир. Аллома айтадики, **“Табиати тоза ва тўғри, қадри баланд ва беозор бўлган оқил ҳар қандай ҳолатда балога сабр қилади, аҳмоқ эса балога тоқатсизлигини турли баҳоналар билан оқламоқ истайди”** [3:76], яъни қадри баланд инсонларнинг сабру қаноат борасидаги ибратли хатти-ҳаракатлари сабрсизларга намуна бўлишини эътироф этади.

Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги қарашларига ҳамоҳанг тарзда бошқа алломаларнинг битиклари ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, бу ғоя Мир Алишер Навоий ҳазратлари томонидан ҳам гўзал мисраларда ривожлантирилган. Навоий бобомиз айтадики:

*Сабр била боғлиғ иш очилур,
Ишда ошукқон кўп тойилур,
Кўп тойилгон кўп йиқилур.*

Ўзбек адабиёти тарихида ўзининг масалчилик асарлари билан ўчмас из қолдирган Гулханий ҳам сабр ва қаноат ҳақида кўплаб асарлар битган. Ўз асарларининг бирида Гулханий шундай дейди:

*Сабр била баста эшикдир кушод,
Сабр била топди эронлар мурод,
Сабр сенинг дардинга дармон бўлур,
Шўра замин боғила бўстон бўлур.*

Сабр ва қаноат инсонларнинг ҳаёт тарзига айланиши бу ҳақда турли ривоятлар ва мақоллар тўқилишига сабаб бўлган. Зеро, ривоятлар ва тақолларнинг асл мақсади инсонларни эзгуликка чорлаш, маънавиятни тарғибот қилишдан иборат. Шу маънода

*Тоқатлига тоғлар эгар бошини,
Тоқатсизнинг итлар еяр ошини*

тарзидаги ўзбек халқ мақоли Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги панд-насиҳатлари асосида юзага келган бўлиши мумкин.

Ислом дини тарихида, унинг фалсафасида диний ва дунёвий билимларни муштаракликда эгаллаш комилликка етакловчи энг ишончли йўл сифатида кўрсатилади. Шу маънода Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларидан ҳам сабр ва қаноатнинг мазмуни, моҳияти, таърифи, талқини ва тавсифларига оид ноёб мерос қолди. Олим ўзининг 36 жуз(жидд)лик “Ҳадис ва ҳаёт” асарида ислом динида илгари сурилган, буюк муҳаддис имом Исмоил Бухорий томонидан тизимлаштирилган ҳадисларга янги талқин ва тавсиф бериб, унда сабр ва қаноатга алоҳида тўхталиб ўтган. Шайх ҳазратлари кишилар томонидан сабр талабларига амал қилиш учун инсон ўзини тутиши лозим бўлган ҳолатлар ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этиб, сабрнинг таърифида айтилган қуйидаги фикрларни келтириб ўтади:

Сабр нафсни қайғу ва ачкиқланишдан, тилни шикоятдан, аъзоларни ташвишдан тутиб туришидир.

Сабр нафсининг фозил ахлоқларидан бири бўлиб, қилиниши яхши ва гўзал бўлмаган нарсалардан сақланишдан иборатдир.

Сабр бало етганда гўзал одоб ила туришидир.

Сабр изтироб пайтида қалбнинг собит туришидир [1:280].

Кези келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, айримлар сабр ва қаноат фақат йўқчиликда, ночорликда, тапшишли кунлардагина керак бўлади, деган фикрда бўладилар. Юзаки қараганда шундай туюлади ҳам. Бироқ сабр ва қаноат инсониятнинг барча қатламлари учун керак бўлган фазилатдир. Бунга ҳаётда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биргина мисол, бой-бадавлат оилада вояга етган ҳамма фарзандлар ҳам

оқил бўлавермайди. Бунга, аввало, бевосита ота-оналарнинг, болаларнинг зийраклиги, мулоҳазалилиги, кенг маънода уларнинг педагогик компетентлиги пастлиги, ўзига хос кунт, сабр билан бу борадаги билимларини оширишга ҳаракат қилмаслиги, натижада уларнинг болалари борига сабр, шукр қилиш ҳиссидан бебаҳра бўлиб, ортиқча ҳаваслар оқибатида ёмон йўлга кириб кетиш ҳолатлари кузатилади. Демак, **“сабр доим керак. Яхшилик етганида ҳам, ёмонлик етганида ҳам, зарар-қамчилик пайтида ҳам, фойда-борчилик пайтида ҳам. Йўқчиликка сабр қилиш осон. Аммо борчилик, тўқчиликка ҳамма ҳам сабр қила олмайди. Аслида эса банда озир пайтда бардош билан, неъмат етганида эса шукр ва яхшилик билан сабр қилиши керак”** [1:284]. Шунинг учун ҳам халқимиз “Сабрнинг таги сарик олтин” деган нақлга амал қилади.

Яна бир мулоҳаза: сабрни фақат ижобий фазилат тариқасида талқин этиш билан кифояланиб бўлмайди. Сабрнинг замирида муайян мақсадларга интилиш, ҳаёт тарзини яхшилашга ҳаракат қилиш каби маъно мавжудлигини англамоқ лозим, яъни **“сабр ҳам, кўпчилик ҳаёл қилганидек, салбий маънода, яъни нима бўлса ҳам сабр қилинман, деб жим, ҳаракатсиз туриш эмас, балки Аллоҳнинг айтганини бажариш жараёнида дуч келадиган машаққатларни енгишдаги сабрдир”** [1:285]. Айримлар “Куним ўтаптику”, – деб, билаги кучга тўлган йигитлар эса “Отам топгани етиб турибдику”, – деб юришлари асло сабрга кирмайди. Буни танбаллик, ишёқмаслик, дангасалик каби таърифлар билан талқин қилинса тўғри бўлади.

Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги қарашларини таҳлил қилар эканмиз, аллома ўз ғояларида шу йўсиндаги мазмунни илгари сурганини гувоҳи бўламиз. Шу маънода замонавий таълим тизимида баркамол авлод тарбиясида Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросини комилликка етакловчи тизимнинг концептуал асосининг таркибий қисмларидан бири сифатида эътироф этиш ўринли. Қолаверса, бу асос шу йўналишда амал қилиниши лозим бўлган ишончли ёндашув ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, Маҳмуд Замахшарий Қуръони карим тафсирини мукамал талқин этган муфассирлар учлигидан ўрин олган ҳамда буюк муфассир сифатида бой илмий-маънавий мерос қолдирган. Шунинг учун ҳам унинг қарашлари ислом таълимотида илгари сурилган ғоялар билан муштаракдир. Зеро, **“Қуръони каримда сабрга даъват кўп такрорланади. Чунки Аллоҳга тоатда ҳам, гуноҳдан сақланиш, йўлдаги тўсиқларни енгиш учун ҳам, заифлик келиб қолганда ҳам, ҳавои нафсни жиловлаш учун ҳам сабр керак”**лиги [1:286] ислом таълимотининг ҳеч эскирмайдиган, инсоният, жамият борки барча замонларда, шу жумладан, бугунги кунда ҳам ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмайдиган қадрият сифатида эътиборлидир.

Қуръони каримдаги даъватларга муштарак тарзда ҳадиси шарифларда ҳам сабр ва қаноат хусусида ибратли фикрлар баён этилган, уларда айтилишича, **“Ҳеч кимга сабрдан кўра яхшироқ ва кенроқ ато берилмаган”**.

“Сабр Аллоҳ таоло томонидан бандага инъом этилган энг катта ва кенг ато ҳисобланади. Сабрли киши ризқнинг озига ҳам, йўқчиликка ҳам чидаб, ўзини хор қилмай, бошини тик тутиб кун кўради. Сабр неъматидан бебаҳра банда эса дунёнинг ярмига эга бўлса ҳам, тийиннинг устида ўмбалоқ ошиб, ўзини хор қилади, очкўзлигини билдириб қўяди. Мусулмон одам унга Аллоҳ томонидан берилган етарли ризққа сабр қилиб, қаноатли бўлиб ўтса, дунёдаги энг катта нажотга эришган шахс бўлади. Ҳақиқий бойлик молу дунёнинг кўплигида эмас, нафсининг тўқлигида” [1:286].

Бу сифат баркамол шахс тарбиясининг энг эътиборли жиҳатларидан биридир. Зеро, сабрсиз инсон ҳаётда бир нарсга эришиши жуда қийин. Шу сабаб ҳам сабр инсон ҳаётида улкан зарурият ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларнинг таҳлиллари асосида қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин.

Сабр ва қаноат кишилик жамиятининг барча даврларида эъзозланиб келинган ҳамда фақат ҳақиқий инсонларгагина хос фазилат ҳисобланади. Сабр ва қаноат маънавияти юксак инсонларнинг шахсиятини тавсифловчи, уларни кўркем кишилар қилиб танитувчи ноёб фазилат бўлгани учун тарихий аждодларимиз, шу жумладан, буюк аллома Маҳмуд Замахшарий ҳам ўз асарларида одамларни сабри ва қаноатли бўлишга даъват этган. Бу борада ўзининг мушоҳадаси, ҳаётий тажрибасига асосланган ҳолда бугунги кунда ҳам ўзининг дидактик аҳамиятини йўқотмаган панд-насиҳатлардан иборат ўлмас илмий-маънавий мерос

қолдирган. Улардан жамиятнинг замонавий таълим-тарбия талаб ва эҳтиёжлари асосида янгича ёндашув ва талқинларда оқилона фойдаланиш баркамол авлод тарбиясининг тарихий-миллий негизини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сабр ва қаноат тушунчаларига баркамол шахс тарбиясининг ҳам диний, ҳам дунёвий илмларига асосланган манбаи сифатида қаралиши лозим. Зеро, Куръони каримда, ҳадисларда ҳамда бошқа тарихий манбаларда инсонларни сабр ва қаноатга даъват этувчи ғоялар бисёрлигини эътироф этиш жоиз. Сабр ва қаноатни фақат ижобий сифат тариқасида қабул қилиб, уни дангасалик, танбалликни оқловчи чорлов, йўқчиликка қарши иродани ишга солган ҳолда ҳаракат қилишга интилмасликни биз илгари сураётган сабр ва қаноат ҳақидаги ғоялар билан бир хил маъно ва моҳият касб этишини англамоқ керак эмас. Кўп бора таъкидлаганимиздек, сабр ва қаноатни кенг маънода қабул қилмоқ лозим.

Адабиётлар

1. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 34-жуз. Яхшилик ва ахлоқ китоби. – Т.: Шарқ, 2012. – 448 б.
2. Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. 256-б.
3. Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи. – Т.: Муҳаррир, 2011. – 144 б.

РЕЗЮМЕ

Мақсуд мақолада аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқу-з-заҳаб” (“Олтин шодалар”) номли дидактик асаридagi сабр ва қаноат тушунчалари талқинига бағишланган қарашлари, панд-насиҳатлари ажратиб олинди, таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются взгляды мыслителя Махмуда Замахшари, приводятся афоризмы из его дидактического произведения “Атваку-з-захаб” (“Золотые ожерелья”), посвященные описанию таких человеческих качеств как терпеливость, выдержанность.

SUMMARY

The article analyzes the views of the thinker Mahmud Zamakhshari, some aphorisms from his didactic work “Atvaku-z-zabab” (“Golden Necklaces”), devoted to the interpretation of such human qualities as patience, endurance are quoted.

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МУТАХАССИСЛИККА ОИД МАТЕРИАЛЛАРДАН Фойдаланиш тажрибасидан

А.У.Тажиева – педогогика фанлари номзоди, доцент

Ажсиниёз номидаги Нвкис давлат педагогика институту

Н.А.Бекмуратова - ассистент-ўқитувчи

Бердак номидаги Қорақалтақ давлат университети

Таянч сўзлар: фан мазмуни ва тилни интеграллаштириб ўқитиш, мутахассислик матни, дастлабки билим, ахборот бериш ва олиш, ҳамкорликда ишлаш, фикрлаш қобилиятини ўстириш, ёндашув, мазмун, билиш, алоқа.

Ключевые слова: интегрированное обучение и содержания языка, профессиональный текст, предыдущие знания, давать и получать информацию, работать в сотрудничестве, развитие навыков мышления, подход, содержание, знание, коммуникация.

Key words: content and language integrated learning, professional texts, prior knowledge, input and output, collaborative tasks, developing thinking skills, approach, content, knowledge, communication.

Ҳозирги кунда ёшларнинг мушоҳада қобилияти, иродаси, ижодий салоҳияти, мослашувчанлигини ривожлантиришга имкон берадиган “CLIL” (Content and Language Integrated Learning – Фан мазмуни ва тилни интеграллаштириб ўқитиш) технологияларни, етакчилик кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этадиган “STEAM–таълим” (Science, Technology, Engineering, Arts, Mathematics – Табиий фанлар, технология, муҳандислик, санъат, математика) дастурларини кўллаб, таълим оловчиларда давр талабига мос кўникмаларни шакллантириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш максалида мамлакатимизда ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган қарор ва бўйруқлар сўзимизнинг исботи бўла олади. жумладан, **2017 йил 11 августдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 610-сонли қароридан** “Олий таълим муассасаларининг чет тили кафедралари базасида профессор-ўқитувчилар учун дарсдан ташқари вақтда тегишли мутахассислик фанларини чет тилида ўқитиш бўйича хизмат кўрсатадиган кўрсалар ташкил қилиш, мутахассислик бўйича атамалар лугатларини яратиш, чет тилларида турли кўрик-танловлар ўтказиш, мутахассислик фанлари бўйича чет тилларида маърузалар ташкил этиш” [1] ишларига эътибор қаратилагани бўлажак мутахассисларнинг чет тилини

билишини йўлга қўйишимиз зарурлигини англатади.

Юқоридаги ишлар шундан далолат берадики, мамлакатимизда мутахассисларнинг чет тилини билишига алоҳида эътибор берилаётгани, таълим сифати тубдан ислоҳ қилинаётганлиги, янгича ёндашувларнинг таълим тизимида жорий қилинаётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Аммо мамлакатимиз олий таълим муассасаларида мутахассисликка оид материаллардан фойдаланиб, чет тилини ўқитиш технологияси, соҳага оид материаллардан ўқув воситаси сифатида фойдаланиш етарлича ўрганилмаганлиги ва бу соҳада ечимини қутаётган муаммолар етарлича эканлигини қайд этиш зарур.

Чет тилларига дунё миқёсида юз бераётган глобаллашув ва интеграция жараёнларини тезлаштириш нуқтаи назаридан маданиятлараро мулоқотни амалга оширувчи восита, шунингдек, ҳар бир мутахассис касбий лаёқатининг етакчи компонентларидан бири сифатида қаралаётган бир пайтда чет тили сунъий муҳитда ўрганилишини ҳисобга олиб, география таълим йўналиши талабаларини чет тили дарсларида ўқитувчи раҳбарлигида мулоқот қилиш, гапириб бериш ва қайта идрок қилиш каби муимий маълумотлар билан чегараланиб қолмасдан, ўқувчиларнинг тафаккурини она тили ва чет тилида шакллантиришда, мутахассислик фанларидан чет тилида тайёрланган

M A Z M U N Í
PEDAGOGIKA ILIMLERI

	Pedagogika teoriyası hám tariyxı
Абдисаттарова Э. Қарақалпақстан мектеплеринде химия пәнин оқытыў тарийхынан	3
Алламбергенов Е.К. Қарақалпақ халық дәстаны «Шәрият»дағы шаңарақ тәлим-тәрбиясы ҳаққында этнопедагогикалық көзқараслар	5
Алламбергенов Е.К. «Шәрият» дәстанында мийнет тәрбиясы мәселелери	7
Айтмыбетов М.З. Қарақалпағистон умумий ўрта таълим мактаблари ривожланиши тарихидан	9
Хатамов Т.А. Мустақиллик йилларида таълим ислохотлари: муаммолар ва тажриба (тарихий таҳлил)	10
Joldasbaev P.M. J.Bazarbaevtin dástúrler, ruwxıylıq hám ádep - ikramlılıq haqqındaǵı tárbiyalıq kózqarasları	13
Курбанбаева А.Ж. Халық педагогикасында жасларға әдираспан өсимлигиниң емлик кәсийетин үйретиў дәстүрл	15
Қанглибеков Қ.Д. Профессионал тәлимниң абзалықлары хәм экономикалық тәрәплери	16
Қоржовов Б.Ж. Ёшлар тарбиясида тасвирий санъат асарларини бадиий таҳлил қилиш асосларининг долзарб масалалари	18
Отамуродов Ғ.Р., Эргашев Ё.С. Таълимни ахборотлаштириш шаронтида рахбар кадрлар бошқарув компетенлигини ривожлантиришнинг назарий-методик асослари	20
Оразымбетов Е.К. Глобаллашув даврида ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришда халқ педагогикасининг аҳамияти	23
Сулаймонова Н. Замахшарий асарларида сабр ва қаноат тушунчалари талқини	25
Тажиева А.У., Бекмуратова Н.А. Инглиз тили дарсларида мутахассисликка оид материаллардан фойдаланиш тажрибасидан	27
Tálim - tárbiya teoriiyası hám metodikası	
Абдимуратов Ж.П. Оилада болаларда гўзаллик фазилатларини ривожлантириш	29
Абдуллаева Р.М. Сетевое образование в вузе: медицинская терминология русского языка	31
Алламбергенов К., Юсупов К.А. Академиялық лицейлерде Ө.Хожаниязов дәретиўшилигин оқытыў	32
Аҳмедов Ғ.К., Қулбоев Н.С. Олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний маданиятини ривожлантириш масалалари	35
Атажанова Г.Ю. Филологик таълимдан бошқа гуруҳларда рус тилига оид дидактик материаллардан фойдаланиш методикаси	37
Ашурова Д.Н. «Таянч масала»лар ёрдамида талабалар фаоллигини ошириш методикаси	39
Бабашева Г.Б. «Она тили» дарсларида ижодий тафаккурни ривожлантириш методикасига доир	41
Баллиева Р., Гайпова Р.Т, Есбергенова С.А. Мектеп география пәниниң методикалық машқалалари	43
Байманова У.Ш., Бердимуратова Р.Е. Стиль педагогических взаимоотношений будущего учителя английского языка	44
Бахриддинов Х.З. Мактаб ўқувчилар жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси	46
Бахриддинов Х.З. 5-7-синф ўқувчилари умумий жисмоний тайёргарлигининг йиллик динамикаси	48
Ешбаева М. Астрономия курсини ўқитиш жараёнида педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти	50
Ходиев Р.Х., Саидбоев Б.Ж. Ҳарбий хизматчиларнинг педагогик маданиятини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари	52
Исақулов М.Р. Юқори синф ўқувчилари билан “жаҳолатга қарши – маърифат” борасидаги тушунчалар устида ишлаш технологияси ..	55
Калимбетов К. Қатъиймас мантиқ принциплари асосида талабалар билимини комплекс баҳолаш тизимини яратиш	57
Карлыбаева Г.Е. Бўлажак физика ўқитувчисининг методик тайёргарлигини компетенциявий ёндашув асосида ривожлантириш	59
Куттибекова Г.Т. Диагностика и определение направлений применения арт-педагогических технологий в эстетическом воспитании младших школьников	61
Qurmanov A., Shamuratova T., Amanbaev M., Yuldasheva N. Ulwma bilim beriw mekteplerinde klasstan tisqari jumislardi shólkemlestiriwdin ayırım máseleleri	63
Моянов Ы.Ж. Умумий ўрта таълим мактабларида қарақалпоқ халқ мусиқа санъатини урганишнинг педагогик аҳамияти	65
Набиев А. Замонавий дарслиқларда муаммоли вазиятларни баён этиш (“Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанлари мисолида)	67
Нуриддинова М. Мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний кўникма ва малакаларини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларни қўллаш	69
Нурланов А. Мектеп билимлендириўи сыпаты хәм нәтийжелилигин асырыў мәселелери	71
Оразбаева Г.Ж. Взаимодействия семья и школы, направленное на самореализацию учащегося	73
Оразов Ш.Б., Мамутов К.Т. Методология контроля и оценки методологии в системе слуха	74
Razlov A.K., Pyasova Z.U. Oqıwshılardıń ózbetinshe kitap oqıw mádeniyatın qalıplestiriw usılları	76
Пазылов М.А. Шаңарақта баланың жас өзгешеликлерине ылайық тәрбия беріў машқалалари	78
Пирманова Г.Н. Художественное наследие англии в обучении английскому языку	79
Rgenov B.V., Atabaeva B.J. Zamanagóy bilimlendiriwde modulli-kredit sistemaları haqqında	81
Рахимов В. Мактабгача таълим тизимида жисмоний тарбияни ташкил этишнинг имманент хусусиятлари	83
Расулова З.Д. Технологик таълим йўналиши ўқув жараёнларида ахборот - коммуникация технологияларидан фойдаланиш	85
Романова С. Мусиқаниннг тарбиявий аҳамияти ва ўзбек мумтоз мусиқа санъати	87
Саидов А.И. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида	88
Сапаева Ф., Ережепова Д. Ўзбек тилини ўқитишда адабий ўқиш ва матни шарҳлаш тамойилларини ўргатиш технологиялари	91
Сейтов М. Руўхий жетиклик хәм оған ерисіў жоллары	94
Тажиев Ж.К. Технология ўқитувчиларини тайёрлашда уларнинг халқ хунармандчилиги бўйича компетенцияларини ривожлантириш	95
Таспанова Ж.К. Өжинияздың жасларға билим беріў усуллары ҳаққында	97
Тожибоева Н. Бўлажак ўқитувчиларда менеджерлик кўникмаларини шакллантириш технологиялари	99
Уразимова Т.В. Қарақалпақстан сўрәтлеў өнери тийқарында талабалардың көркем-дәретиўшилиқ укыбын раўажландырыў жоллары	102
Юнусов Д.Р. Ахборот ва телекоммуникацион воситалар ёрдамида талабаларда педагогик хурфикрликни шакллантириш	104
Юсупов К.А. Академиялық лицейлерде Т.Қабулловтың өмири хәм лирикасын үйрениў	106
Юсупов Г.А. Физкультурно-спортивная деятельность – как базовый фактор физической подготовленности студенческой молодежи	110

PSIXOLOGIYA ILIMLERI

Акрамова Ф.А. Психологическая помощь семье: семейно-брачные трансформации и неформальные браки	113
Бабашева Г.Б. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фикрлаш жараёнига психологик ва педагогик ёндашувлар	114
Кодирова А.Б. Ҳаким Термизийнинг табиат ўзгаришларининг инсон руханияга таъсири хусусидаги қарашлари	116
Нарметова Ю.К. Бронхиал астма билан касалланган беморларнинг психо-эмоционал хусусиятлари	119
Нурымбетова Э.Ж. Основные психологические формы работ с конфликтами	121
Teumbetova K., Shamuratova X. Maktabgacha va boshlang'ich ta'limining uzviyligini psixologik-pedagogik qo'llab-quvvatlash	123
Юлдашева С.Т. Талабалар кизиқишларини фаоллаштириш жараёнининг психологик жиҳатлари	125

USTAZLAR SHEJRESI

Курбанбаева Д.М. Илим шыңына жеткен педагог альым	127
---	-----